Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1997 йил 25 октябрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 82 (6978)

Da'vat

Энг яхши мазмун ҳам ўқувчиларнинг фаолиятига қўшилгандагина уларнинг онгига етиб боради.

Г. КОСТЮК.

Ibrat

Германиялик ҳамкорлар йил давомида Хива туманидаги 6-ўрта мактабга 30 минг АҚШ доллари миқдорида инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишди.

ТЕНГЛИК — ҲАМКОРЛИК КАФОЛАТИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Молдова пойтахти Кишинёвда 23 октябрь куни бўлиб ўтган МДҲ давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисига кета туриб, журналистларга берган интервьюсида бу кенгаш доирасидаги муаммолар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида тўхталган эди. Айниқса, **«МДҲ мамлакатларида эски тузумни қўмсаётган, одамларни чалғитиб, ўзига оғдириб олиш ва шу йўл билан ҳокимиятга эришишни ўйлаб юрган сиёсатчилар, собиқ Иттифоқ ҳудудида янги ташкилотлар — конфедерация, ҳарбий блок каби уюшмалар тузиш ва шу орқали Иттифоқни қайта тиклаш умидида юрган сиёсий гуруҳлар ҳам йўқ эмас»**лиги сабабларнинг энг каттаси эканлигини алоҳида таъкидлади. Шу уринда йўлбошчимиз Узбекистоннинг бу каби уринишларига муросасиз муносабатда эканлигини, давлатимизнинг мустақиллик йўлидан қайтмаслигини ва шу баробарида тенглик асосидаги шериклик ва ҳамкорликка хайрихоҳлигини айтиб ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари Кишинёвда ҳам ушбу муаммолар хусусида тўхталиб, аниқ далиллар билан ўз фикрини мустаҳкамлади. Дарҳақиқат, МДҲга аъзо айрим мамлакатлар, хусусан Беларус ҳамда Россиядаги баъзи сиёсий кучларнинг хатти-ҳаракатларидаги собиқ шўро тизимини қумсаш кайфияти, «Евроосиё», «конфедерация» дея алаҳсираётган ташаббусчиларнинг ҳаракатлари ўз мамлакати ва халқининг мустақиллиги, равнақини ўйлайдиган сиёсатчиларга маъқул келмаслиги табиий.

Кишинёвдаги МДҲга аъзо мамлакатлар, давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида айнан юқорида таъкидланган муаммолар, яъни интеграциянинг ривожланмаётганлиги, ўзаро имзоланган ҳужжатларнинг аксар қисми ҳаётга татбиқ этилмаётганлиги танқид этилди. Давлат раҳбарларининг ёпиқ эшиклар ортидаги суҳбати чоғида ўзаро ҳозирги кундаги ва истиқболдаги устивор йўналишлар хусусида фикр алмашилди. МДҲ доирасида аввал имзоланган ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш борасида Президентлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

МДҲ мамлакатлари делегацияларининг кенгайтирилган таркибидаги музокаралари — ялпи мажлисида МДҲнинг бугунги аҳволи, мамлакатлар ўртасида умумий қишлоқ хўжалик бозорини ташкил этиш тўғрисидаги битим, трансмиллий корпорациялар тўғрисидаги конвенция ҳамда можароли вазиятлар бўйича МДҲ қўмитасининг Низоми муҳокама қилинди. Музокаралар чоғида ноқонуний миграцияга қарши кураш бўйича 2000 йилгача тузилган дастур ҳам кенг муҳокамага қўйилди.

Саммит дастури бўйича кузда тутилган МДҲ давлатлари ҳудудида арбитраж, хўжалик ва иқтисодий судлар қарорларининг биргаликдаги ижроси, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг МДҲ ҳудудида иш юритиши, озодликдан маҳрум қилинган фуқароларни ўзаро алмашиш ва бошқа бир қанча масалаларга доир ҳужжатлар имзоланмади. МДҲ мамлакатлари ҳукумат раҳбарларининг кенгашига мазкур ҳужжатларни яна қайта ишлаш ва кўриб чиқиш топширилди.

Хулоса қилиб айтганда, МДҲ давлат ва ҳукумат раҳбарларининг Кишинёв учрашуви, гарчи у ерда ҳеч қандай ҳужжат имзоланмаган бўлса-да, ҳамдўстлик доирасидаги ўзаро муносабатларга яна бир карра ойдинлик киритиш, мавжуд муаммоларни атрофлича муҳокама этиш учун имконият яратди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Кишинёвдан Тошкентга қайтиб келди. Тошкент аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Олий Мажлис раиси Э.Халилов, Бош вазир У.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Журабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б.Ғуломов кутиб олди.

ДУНЁ ТАНИЯПТИ СЕНИ — ЎЗБЕГИМ!

Тил бор — миллат яшар, миллат бор — башар,
Инсон инсонлиги тил билан шаксиз,
Забони кесилган ғариб кўнгулга,
Дунё кераксиздир, дунё кераксиз!

Ҳаёт йўқ оғунинг кўчаларида,
Офтоб сувратини кўрмагай кўзи.
Бу қандай разолат? Бу қандай даҳшат?
Ҳатто айтолмаса исмини ўзи!..

Мен сени танимас эдим, Ўзбегим,
Ҳатто танимасдим осмонларингни.
Занжир-кишанларни йиғлатиб кетган,
Оққушга айланган Усмонларингни.

Мен сени танимас эдим, Ўзбегим,
Ҳатто танимасдим жисмингни.
Чиққанман, тарихнинг китобларини
Варақлаб, унутиб исмингни...

Эй, менинг сочлари оқарган онам,
Яна юрагингга бўйлаётирман.
Оппоқ сочларингнинг кечмишларини
Бугун дунёларга сўйлаётирман.

Тур, энди тулпорга қамчилар ургин,
Соядa ётмагин, тургин, бўз бегим!
Кўзларингни очгин, кўрмаяпсанми —
Дунё таниянти сени — Ўзбегим!

Шуҳрат ОРИФ,
Республика Нафис санъат лицейи талабаси.

ҚУЁШ НУРИ БИЗНИНГ ЙЎЛДАДИР

Мушоира рамзий маънода юқоридаги шеър билан бошланди. Шеър муаллифи Шуҳрат Ориф — республика Нафис санъат лицейи талабаси. (Шу ўринда ёш шоирнинг бу йил Жиззахда бўлиб ўтган республика ёш ижодкорларининг анъанавий анжумани ғолибларидан бири бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ ўринлидир).

Агар гап қандай мушоира хусусида бораётганлиги билан қизиқаётган бўлсангиз, 3-саҳифага қаранг!

ИЖОДКОРЛАР, ИШТИРОК ЭТИШДИ

Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика тиббиёт билим юртида Тил байрамига бағишлаб «Она тилим — жон тилим» деб номланган адабий бадиий кеча бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномаси бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, шоирлардан Нормурод Нарзуллаев, «Шарқ юлдузи» журналининг шеърият бўлими мудири Икром Отамурод, Рустам Мусулмон ҳамда «Турон чечаги» ансамблининг бадиий раҳбари Бахтиёр Холхўжаев ва бошқалар иштирок этдилар. Кечани билим юртининг маънавият ва маърифат бўйича директор ўринбосари Ҳусниддин Қутбиддинов очди. Сўзга чиққанлар она тилининг жозибаси ҳақида фикр юритдилар. Шуидан сўнг билим юрти талабалари ўз иқтидорларини намойиш этишди, тил ҳақидаги шеърларни ёд айтдилар.

Тадбир сўнггида меҳмонлар ўзларининг янги ижод намуналаридан ўқидилар ва талабаларни қизиқтирган кўплаб саволларга батафсил жавоб бердилар. Айниқса, Бахтиёр Холхўжаев чиқишлари ва билим юрти талабалари томонидан куйланган қўшиқлар ҳамда ижро этилган рақслар кечага янада файз киритди.

Насиба МУҲИБОВА.

Qaror va ijro

ДАВЛАТ ҲИМОЯСИГА ЎТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси болалар боғчаларини босқичма-босқич давлат тасарруфига ўтказиш ҳақида 1997 йил 26 сентябрда қарор чиқарди. Мухбиримиз Республика Халқ таълими вазирлиги мактабгача тарбия бошқармаси бошлиғи Ҳамида АҲМЕДОВАдан мазкур қарор асосида жойларда амалга ошириладиган тадбирлар тўғрисида гапириб беришни илтимос қилди.

— Сунгги йилларда айрим идора ва ташкилотлар қарамоғидаги мактабгача тарбия муассасалари турли хил баҳонаю сабаблар билан ёпилиб қолаётганлиги сир эмас. Бу ҳолнинг олдини олиш ҳамда бола тарбиясида боғчалар ўрни беқиёслиги назарда тутилиб Вазирлар Маҳкамаси чиқарган болалар боғчаларини давлат тасарруфига ўтказиш режалаштирилган. Энг кўп боғча Қишлоқ зиш ҳақидаги 453-қарорига асосан Халқ таълими вазирлиги шу йилнинг 7 октябрида 195-сонли буйруқ қабул қилди. Буйруққа кўра бошқа вазирликлар, ташкилотлар ва идоралар тасарруфидаги болалар боғчалари босқичма-босқич маҳаллий бюджет ихтиёрига ўтказилади. Мазкур жараён 1997 йилдан бошланиб то 2002 йилгача давом этади. Умуман олганда республика бўйича 423 минг 154 ўриндан иборат 4987 та болалар боғчаларини давлат тасарруфига ўтказиш режалаштирилган:

Ўртача 1997 йилда республика бўйича болалар боғчаларининг 6 фоизи, 1998 йилда 25,3, 1999 йилда 44,1, 2000 йилда 63,3, 2001 йилда 82 ва ниҳоят 2002 йилда эса 100 фоизини маҳаллий бюджет ҳисобига ўтказиш режалаштирилган. Энг кўп боғча Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли бўлиб, 3958 тани ташкил этади.

«Узбекистон темир йўллари»га қарашли 91 та, «Узгосхлопкопросбит»га қарашли 120 та, «Узмевасабзавотсаноат» холдингга қарашли 142 та, «Узкимёсаноат» ассоциациясига қарашли 47 та, Чкалов номли Тошкент авиация бирлашмасига қарашли 40 та, Узбекистон қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқот институтига қарашли 46 та болалар боғчалари навбати билан давлат ихтиёрига ўтказилади.

Бу жараённи дастлаб ёпилиб қолган, узини узи таъминлай олмаган болалар боғчаларидан бошлашга алоҳида эътибор қаратилган. Сунгра фаолият кўрсатиб турган кичкинтойлар масканларини маҳаллий бюджетга ўтказамиз. Барча вилоят халқ таълими бошқармалари ҳамда вилоят ҳокимликлари тайёрлаётган фармойишлар назорат остига олинмоқда.

1996 йилда ўтказилган инвентаризация якунлари асосида МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАР БИНОЛАРИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ТАЪМИРЛАНИБ, СУНГРА БИЗГА УТКАЗИЛИШИ ЛОЗИМ. Барча шаҳар ва туман халқ таълими бўлимларида ишчи гуруҳлари тузилиб, улар зиммасига боғчаларни қабул қилиб олиш юклатилган.

Халқ таълими вазирлигида ишчи гуруҳи тузилди. Ишчи гуруҳларига вилоят халқ таълими бошқармалари ва бўлимларига яқиндан амалий ёрдам кўрсатиш топширилган.

Суҳбатдош Дилбар ХЎЖАЕВА.

● «Наманган ва Фарғона вилоятларида 1997 йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга топширишнинг қониқарсиз аҳволи ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши чиқди.

● Ўзбекистон Республикасининг Қонуни — «Фуқаролик процессуал кодекси» «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинди.

● «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси пойтахтимиздаги «Она ва бола» шаҳар марказига Германиянинг машҳур «Интермед» фирмасида ишлаб чиқарилган компьютер билан бутланган ультратовушли сканер — ташхис кўювчи жиҳозни тақдим этди.

● Тошкентда бўлиб ўтган метеорологик ахборотларни йиғиш ва қайта ишлаш, атмосфера ҳодисаларини ўрганиш учун приборсозликнинг янги йўналишларини кўриб чиқишга бағишланган илмий-амалий конференцияда мамлакатимиз ҳамда туркманистонлик, россиялик метеорологлар ва приборсозлар иштирок этишди.

Obuna-98

«ТИЛ ВА АДАБИЁТ ТАЪЛИМИ» ЖУРНАЛИ МЕҲМОНИМИЗ

Мамлакатимиз истиқлоли, миллатимиз мустақиллиги ҳақида сўз юритилар экан, тил сиёсати ва давлат тили масаласини четлаб ўтиб бўлмайди, чунки тил миллатнинг миллатлигининг кўрсаткичи, унинг маънавий бойлиги, асрлар қаърига отган илдизидир. Адабиёт эса — жамиятнинг асосий маънавий озуқаси. Шу боис ҳам бу фанлар умумтаълим мактаблардаги барча фанларнинг етакчиси, фанларнинг фани бўлганлиги туфайли уларни ўқитиш методикаси бўйича республикамизда иккита махсус нашр — «Тил ва адабиёт таълими» ҳамда «Преподавание языка и литературы» журналлари чоп этилади.

Узбекистонимизда мустақиллик қўлга киритилиши арафасида узбек тилига давлат мақоми берилиши шарофати билан таъсис этилган «Тил ва адабиёт таълими» журнали ўтган етти йил мобайнида тил ва адабиёт ўқитувчилари, булажак филолог талабалар, аспирант, докторант ҳамда тил ва адабиёт соҳасида изланишлар олиб бораётган олимларнинг кўмакчиси, маслаҳатчиси, минбари ва энг зарур қўлланмасига айланди.

1998 йилда таъсис этилганининг 40 йиллигини нишонлайдиган «Преподавание языка и литературы» журналида ҳам соҳа мутахассислари учун рус тили, таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар учун узбек тили ва чет тилларидан зарур материаллар чоп этиб келинмоқда.

Янги — 1998 йилга обуна бошланган бир даврда, муштарийларда бу йилда журналлар саҳифаларида қандай мақолалар чоп этилар экан, қандай муаммолар кўтарилар экан, деган саволлар туғилиши табиийдир.

1998 йилда журналларнинг «Муаммолар, вазифалар, ечимлар» деган рукнида Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида тасдиқланган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш борасида соҳа мутахассислари олдида турган муаммо ва вазифаларни ҳал этиш бўйича материаллар бериб борилади. Унда соҳанинг мутасадди ташкилотлари раҳбарлари билан интервьюлар, уларнинг мақолалари, таклиф ва мулоҳазалар чоп этиб борилади.

Энг асосий рукнлардан бири бўлган «Методика ва тажриба» рукни остида 1998 йилда бозор иқтисодига ўтиш билан боғлиқ ҳозирги замон талабларига лойиқ мутахассисларни тайёрлашга мўлжалланган тил таълими масалалари, жумладан, ўқувчиларда нутқий кўникмалар ҳосил қилиш ва такомиллаштириш тажрибаси ёритиб борилади. Тил ўқитишда компьютердан фойдаланиш, тест назорати, рейтинг тизими, дастур ва дарсликларни такомиллаштириш, иш юритиш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик тили, баҳс санъати, тилларни ўқитишни экологик, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий таълим билан бирга олиб бориш каби масалалар бўйича материаллар бериб бориш мўлжалланган. Журналлардаги бу рукннинг «Методикада янгилик» деб номланган булимида менежмент, маркетинг ва ишбилармонлик тилига ўргатишга мўлжалланган янги қўлланмадан парчалар бериб борилади. «Преподавание языка и литературы» журналида эса «Родное слово» рукни остида таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар учун, шунингдек,

(Давоми 2-бетда).

ФИЗИКА ФАНИГА ҚИЗИҚИШ НЕГА СУСТ?

Физика фани табиат ҳодисалари ва жараёнлар қонуниятлари ҳақида ўқувчиларда муайян билимларни шакллантиради. Бу инсоният тўплаган билимнинг бир қисмидир. Физика ва техника тараққиёти истиқболлари, физиканинг жамият тараққиётидаги роли, фан тарихи ҳақидаги маълумотлар ёшларни илмий-ғоявий, ватанпарварлик ва байналмилал руҳда тарбиялашда ҳам муҳим омилдир.

Ўқувчиларни юксак маънавият руҳида тарбиялашда фанларни, шу жумладан физика фанини ўқитиш фақатгина расмий маълумотларни, қоидаларни, қонунларни ва формулаларни ёқлаш тарзида бўлмаслиги керак. Ўқувчиларимиз олаётган билим ва амалий кўникмаларнинг асосий мазмунини тўлиқ идрок этсалар, моҳиятини тўғри ва аниқ тушунсалар, келажакдаги фаолиятларига қандай ва қай даражада фойда беришини, фан-техника ва халқ хўжалигида қандай аҳамиятга эга эканлигини тасаввур қилсаларгина, физика таълими талаб даражасида амалга оширилди дейиш мумкин. Шундагина биз физиканинг илмий-ғоявий аҳамияти масаласини тўғри ҳал этиш билан бир қаторда маънавий тарбия бериш имкониятларидан замон талаблари даражасида фойдаланиб таълим берган буламиз.

Ёшлар тарбияси нуқтаи назаридан олиб қараганда, физиканинг аҳамияти ижтимоий фанлар аҳамиятидан кам эмас. Шунинг учун ҳозирги вақтда физика бевосита ишлаб чиқариш кучигина эмас, балки бизни ураб турган олам, моддий ва маданий қадриятлар ҳақидаги муҳим билимлар манбаи ҳамдир.

Лекин, кейинги пайтларда ўқувчиларнинг физика фанига бўлган қизиқишлари бошқа фанларга бўлган қизиқишлари даражасидан пастлашганлиги яққол намоён бўлаётганлиги ачинарли ҳол. Бунинг асосий сабабларидан бири физика ўқитиш ҳалигача эскича услубий йўналишда, ўқувчиларни қизиқтирмайдиган, билиш фаоллигини оширишга қаратилмаган жараён тарзида олиб борилаётганлиги деб биламиз. Ўқувчиларнинг физика фанига бўлган қизиқишларини ривожлантиришга доир илғор педагогик тажрибаларни, ижодкор ўқувчилар иш фаолияти мазмуни ва натижаларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида бир қанча тавсиялар бериш мумкин. Жумладан, дарсларда ишчан ўйин элементларидан унумли фойдаланиш, ўқувчилар диққатини ўрганилаётган мавзунинг асосий ғояларини иккинчи даражали тушунчалардан ажрата билиш, янги билимлар ва кўникмаларни ўқувчиларнинг шахсий тажрибаларига боғлаб, уларнинг фикрлари билан ҳисоблашган ҳолда сингдириш, ўқувчилар билим ва кўникмаларини баҳолашда объективлик, ўқувчини айрим ҳолларда кечира билиш, дарсни режалаштиришга ижобий ёндашиш, иш тажрибасини илғор педагогик тажрибалар билан омухталаштириш орқали, бизнингча, самарали натижаларга эришиш мумкин.

М. ҲАСАНОВ,
С. РЎЗИБОЕВ,
Жиззах вилояти ПХМОИ ўқитувчилари.

JUMLADA JAHON

● Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Фармонига биноан амалдаги йилнинг 10 декабридан Акмола шаҳри мамлакат пойтахти мақомини оладиган бўлди ва ўз ўрнида Алмати шаҳри ҳам илмий, маданий, тарихий ва иқтисодий марказ сифатида ривожлантирилажаги алоҳида қайд этилди.

● Чеченистон ҳукуматининг Олий шариат суди таркибидаги айрим ўзгаришлардан республика раҳбарияти жиноятчиларни ошкор қатл этишнинг олдини олишни мақсад қилиб қўймоқда.

● АҚШдан 20 та замонавий F-1 қирувчи самолётларни сотиб олиш учун борган Покистоннинг юқори мартабали ҳарбийларининг музокаралари Покистоннинг сўнггги йиллардаги ядро қуролига эга бўлишга қаратилган саъй-ҳаракатлари боис самарасиз якунланди.

Ҳурматли муштарийлар!

«МАЪРИФАТ»га

1998 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна индекси:
Якка обуначилар учун — 149
Ташкилотлар учун — 150.

MMM ХАБАРЛАРИ

ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

Бу йилнинг инсон манфаатлари йили деб белгиланганлиги Ғиждувон шаҳридаги 10-болалар боғчасида бўлиб ўтган тантананинг янада серфайз ўтишига сабаб бўлди.

Яъни бу ерда «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» байрами арафасида беш нафар ходимни нафақага кузатиш маросими бўлиб ўтганди. Унда меҳридарё мураббийларнинг ҳурмати ҳар тарафлама жойига қўйилди.

Нафақага чиқувчиларга шаҳар ХТБнинг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

М. ИБРОҲИМОВА.

ТИЛ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Урганч шаҳридаги 3-мактаб базасида мазкур ўқув йилидан бошлаб инглиз тили чуқур ўргатиладиган гимназия ташкил қилинганди. Шунингдек гимназияда «Тил маркази» ҳам фаолият кўрсата бошлади.

Машғулотларни эса ёшларимизга Америка Қўшма Штатлари «Тинчлик корпуси» мутахассислари энг замонавий ва самарали усулларда пухта олиб борянти.

Ғ. ЁҚУБОВ.

ОРАДАН 40 ЙИЛ ЎТИБ

Марҳамат шаҳридаги Х. Ҳ. Ниёзий номли 3-ўрта мактабнинг собиқ ўқувчилари яқинда Шукурмерган қишлоғидаги дам олиш даласи ҳовлисида мактабни тугатганларига роппароса 40 йил тулгандан кейин дийдор кўришишди.

Учрашувга 125 нафар синфдошларнинг деярли барчаси жам бўлишди. Синфдошлар, аввало, марҳум дўстлар, устозлар хотирасини ёдга олишди. Сунгра ўз ҳаёт йўллари тўғрисида қизиқарли суҳбатлар, баҳслар бўлиб ўтди.

Учрашув охирида эса ҳар йили шундай дийдорлашиб туришга аҳд қилишди.

А. ЭРАЛИЕВ.

INTERNET

НЕАНДЕРТАЛЬ АТРОФИДА

АҚШ ва германиялик олимлар биринчи марта Бонн шаҳрида сақланаётган Неандерталь одамининг ДНК кодини текшириб, уни бугунги инсонники билан солиштириб кўрдилар. Неандерталь одами ҳозирги «ақлли одам» аждоди эмас, деган хулоса катта шовшув қўтарди. Хулоса асосчиси — палеонтолог олим К. Стрингер фикрича, инсоният 100—200 минг йил аввал неандерталларни ер юзидан сиқиб чиқара бошлаган. Эрамиздан олдинги 300 минг ҳамда 30 минг йилликларда яшаган неандерталь маълум вақт инсон аждодлари билан ёнма-ён яшаган бўлиши мумкин. Хуллас, мунозара 1856 йили Неандер водийсидан топилган суяклар атрофида бормоқда.

«ИГНОБЕЛЬ» «НОБЕЛЬ»НИНГ ТЕСКАРИСИ

Нобель мукофоти билан бир қаторда дунёдаги баъзи олимлар Игнобель мукофотини ҳам «қўлга киритдилар». Сабаби Игнатиус Нобель исмли тўқима олим номидан Гарвард университетидаги тўрт кишилик комиссия томонидан берилаётган ушбу мукофот илмий жиҳатдан энг бекерак ва самарасиз ихтиролар муаллифларига аталгандир. Масалан, иқтисодий «Игнобель»ни «Тамагучи» номли ўйинни ўйлаб топган япон олимлари олган бўлса, медицина соҳасида мукофот эгаси америкалик олим бўлди. Олим лифт кўтарилиши инсонда шамоллашга қарши иммунитет ҳосил қилишини тадқиқ этган. Ва ҳоказо...

Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги Жаҳон тиллари лицей-интернати қошидаги ихтирочилик тўгараги раҳбари, шу илм маскани физика фани ўқитувчиси Аъзамхон Муҳаммадиев «Излансанг, олам сеники» фикрига қатъий амал қилади. Ижодкор муаллим ўғил-қизларга таълим-тарбия бериш қаторида уларни янги ихтиролар яратишга ундаяпти. Натижада у ўқувчилари билан биргаликда республика миқёсида ўтказилаётан кўрик-танлов ва кўргазмаларда фахрли ўринларни эгалламоқда.

СУРАТДА: ихтирочи-ўқитувчи Аъзамхон Муҳаммадиев янги электрон ўйинини намойиш қилаётир.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

O'lkamizni o'rganamiz

«КАРВОН—97» ЙЎЛГА ЧИҚАДИ

Шу йилнинг баҳорида, аниқроғи март ойида болакайларнинг газетаси — «Солнышко» Буюк Ипак йўлининг маданий ва тарихий анъаналари билағонлари учун танлов эълон қилган эди.

Шу мақсадда газетада «Карвон—97» рубрикаси очилиб, Ўрта ер денгизи ва Япония ороллари оралиғида яшовчи халқларнинг тарихи, маданияти ва географиясига оид кўплаб мақолалар эълон қилинди. Шунингдек, ўқувчилар Ипак йўлининг Амударё ва Сирдарё оралиғида яшовчи халқларга нималар олиб келганлигию ўз ўрнида бу ерлик халқнинг дунё халқлари тараққиётига қўшган улкан ҳиссалари ҳақида ҳам бой билимга эга бўлишди.

Танловнинг беш саралаш турида Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларидан 70 нафар бола фаол иштирок этди. Танлов ҳакамлари ҳайъати унда қатнашган 14 та командадан 5 тасини ғолиб сифатида аниқлади. Энди бу командаларнинг вакилларидан 14 нафари шу ой сўнгида Тошкент шаҳридан Тошкент — Бухоро — Самарқанд — Тошкент йўналиши бўйича сафарга чиқишади. Бу экспедиция «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг моддий жиҳатдан ҳомийлигида ташкил этилди. Танлов ташаббускори — «Робот Малик» сайёҳлар ассоциациясининг география ва тарих бўйича тажрибали мутахассислари эса экспедиция давомида ўсмирларнинг Буюк Ипак йўлидаги қадимий шаҳарлар ҳақидаги билимларини янада оширишга хизмат қилишади.

Петр БАРАБАШ, сайёҳлар ассоциацияси кенгаши котиби.

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Афғонистондаги толибон ҳаракатининг юқори даражадаги ҳайъати Туркманистонга келди. Ўрта Осиёдаги биринчи учрашувларга толибон вакиллари вертолётда етиб келдилар. Ҳайъат раҳбари энергия ва тоғ кони бўйича махсус расмий шахс Мавлавий Аҳмаджон эди. Баъзи манбаларнинг айтишича, Мавлавий Аҳмаджон Туркманистон ташқи ишлар вазири Борис Шейхмурадов билан туркман газини Афғонистон орқали Покистонга етиб борадиган газ қувури қурилиш режасини илгари суриш учун учрашган.

* * *

Россия армия штабининг бошлиғи генерал Анатолий Клошин НАТОга аъзо мамлакатлар қўмондонларининг Брюсселда ўтаётган йиғилишида қатнашмоқда. НАТО расмийларининг айтишича, бу каби учрашувлар доимий учрашувларга айлантирилади. Улар учрашув натижаларидан мамнунлар.

* * *

Кишеневда Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарларининг юқори даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувдан сўнг Россия Президенти Борис Ельцин Мустақил давлатлар ҳамкорлигини самарасиз ва нооқил иттифоқ деб баҳолаб, уни қайта қуриш кераклиги ҳақида айтди.

* * *

Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон охирги вақтларда огоҳлантирилаётган иқлим ўзгаришларига мамлакат мавқеини маълум қилди.

* * *

Жазоирда бугун маҳаллий сайловлар бўлиб ўтмоқда. Расмийлар сайловларни мамлакатда қонуний органларни ташкил қилиш борасидаги охирги қадам деб баҳоламоқдалар.

* * *

Россияга тегишли бўлган кемани гаровга олганликда айбланиб, Туркияда қамоқ жазосига ҳукм қилинган чечен маҳбусларидан яна иккиси қамоқдан қочишга муваффақ бўлган.

«Би-би-си».

МАҲАЛЛАДА БАЙРАМ

Яқинда пойтахтдаги Ҳамза тумани А. Икромов номидаги маҳаллада маданий ва маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ушбу байрам тумандаги педагог ташкилотчилар ташаббуси билан уюштирилди. Шу куни маҳаллада эрта тонгдан карнай-сурнайларнинг овози янгради. Қўшни маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган тўгараклар раҳбарлари болалар ижодий ишларининг бой кўргазмасини ташкил этишди. Педагог ташкилотчилар ўз маҳаллаларида ўтказган энг яхши тадбирлардан, маҳаллалардаги тўгарак ишлари фаолиятидан намуналар кўрсатишди.

Кўргазмада бичиш-тикиш, тўқиш, миллий зардўзлик, юмшоқ ўйинчоқ, керамика тўгаракларида тайёрланган намуналар, шунингдек, ранг-баранг расмлар намойиш этилди. Маҳалла ҳаёти акс этган фотоальбом ва фотогазеталар ҳам тайёрланди.

Байрамона ва жуда қизиқарли тузилган концерт дастури байрам иштирокчиларини маҳалла ҳаётидан тайёрланган саҳна кўриниши, халқ ашулалари ва миллий рақслар ижроси, она Ватан ва маҳаллага меҳр-муҳаббат ҳақида шеърлар, фольклор дастасининг чиқиши, спорт мусобақалари билан хушнуд этди.

Байрамда Олий ва Ўрта махсус ўқув таълим вазирлиги, халқаро «Олтин мерос» ва республика «Маҳалла» жамғармалари, республика ижодкор аёллар уюшмаси, шаҳар ХТБ, туман хотин-қизлар кенгашидан вакиллар ва маҳалла қўмиталари оқсоқоллар кенгаши раиси Б. Мавлонов бошчилигидаги нуроний оқсоқоллар меҳмон бўлишди.

Лариса КОПИТИНА.

Xalqaro anjuman

АДАБИЁТНИ ҚАНДАЙ ЎҚИТМОҚ КЕРАК?

Истиқлол ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзимизнигина эмас, маънавий-руҳий қиёфамизни ҳам тубдан ўзгартиришни тақозо этмоқда. Тарихимизга, қадриятларимизга миллий ғурур туйғулари билан ёндошиш эндиликда зарурятга айланди. Шу йилнинг 16 — 17 октябрь кунлари Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетида бўлиб ўтган «Узбек адабиётини ўқитишнинг долзарб муаммолари» мавзуидаги халқаро илмий-амалий анжуманнинг асосий хулосаси ана шундай бўлди.

Ушбу анжуманга Туркия, Тожикистон, Қозоғистон давлатларидан, республикамизнинг барча вилоятлари университетларидан кўплаб таниқли адабиётшунос олимлар иштирок этдилар. Улар Узбекистон ҳукуматининг маънавият ва маориф соҳасига алоҳида эътибор бераётганлигидан мамнун эканликларини таъкидлаб, олий ўқув юртларида, мактабларда ижтимоий фанларни ўқитиш муаммолари, мустақиллик даври ўзбек адабиётининг ўзига хос хусусиятлари, мумтоз адабиётимиз тарихи, жаҳон адабиётидаги ўзгаришлар хусусида дилдан суҳбатлашдилар.

Икки ярим минг йиллик тарихга эга ўзбек адабиётининг турли даврлари, шоиру адиблар ҳаёти, асарлари ҳақидаги барча илмий маърузаларда адабиёт ҳамма даврларда ҳам халқ ҳаётининг ўзига хос ойнаси бўлгани эътироф этилди. Аммо мустабид мафкура ҳукмронлик қилган замонларда бу ойнага хийла ғубор қунларнинг тасвирлаб, ёки ёнма-ён ёзилган ҳолатлар, ҳатто ҳаётнинг ўзи ҳам ҳеч ким учун сир эмас. Ана шундай ҳолатлар ва ҳодисалар ҳаётнинг ўзи ва ҳаётнинг ўзи ҳеч ким учун сир эмас. Ана шундай ҳолатлар ва ҳодисалар ҳаётнинг ўзи ва

ҚУЁШ НУРИ БИЗНИНГ ЙЎЛДАДИР

ОППОҚ ГУЛЛАР ИФОРИ

Ҳар гал шундай бўлади. Ҳарчанд интилсангиз-ҳам, гулнинг очилиш жараёнини илғай олмай қоласиз. Фақат, бир тонг боққа чиқасиз-у... баногоҳ, гулларнинг оқ, оппоқ бўлиб очилганига гувоҳ бўласиз. Гуллар индамай очилади. Ва туйқус гирдогирдингизни, кўнглингизни ажиб бир нур, гўзаллигу ифор қуршаб олади...

Бу гал ҳам шундай бўлди.

Нафосат боғида яна нафис гуллар юз очди. Барқ уриб, ифор таратаётган бу оппоқ гўзалликдан қалблар лим-лим қувончга тўлди. Шуурримизнинг энг нозик торлари сим-сим чертилгандек бўлди...

... Ўйлаймизки, Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат лицейига ташриф буюрган барча меҳмонлар ҳам бу ажиб туйғуларни кўнгилдан кечиришган, бир ширин ҳисларга ғарқ бўлган бўлсалар, ажаб эмас. Бу ерда ҳар галгидек, 21 октябрь — Тил байрами арафасида республика ёш қаламкашларининг анъанавий «Нафосат» учрашуви бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг барча вилоятларидан йиғилган ижодкор ўқувчилар эса гўё бир оппоқ гулдастадай таассурот қолдиришди. Улар иштирокида бўлиб ўтган нафис мушоирада янграган шеърлар кўнгилларга гуллар ифоридек нафосат, беғуборлик ва гўзаллик олиб кирди.

Бу нафис анжуманда 40 дан зиёд 2-синфдан 11-синфгача бўлган ёшдаги ижодкор ўқувчиларимиз иштирок этишди.

ИЛК ТААССУРОТЛАР

Худди катта ёшдаги меҳмонлардай ўқувчи ижодкорларнинг илк қадамжоси Темурийлар даври тарихи музейи бўлди. Бу гўзал кошона уларга руҳ берганини уларнинг кўзларидаги ҳайратдан пайқадик. Шунингдек, улар Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейига, Ўзбекистон тарихи музейига саёҳат қилишди. Саёҳатдан қайтгач эса педагогик газета ва журналлар бош муҳаррирлари билан учрашишди, нашрлар ҳақида тасаввурга эга бўлишди. Лицей ҳаёти билан танишишди. Буларнинг ҳаммаси уларнинг хотираларида узоқ вақт сақланиб қолса, ажаб эмас. Бундай унутилмас воқеаларнинг энг ажойиби ва энг гўзали лицейда бўлиб ўтган ўқувчи-талаба ва шоирларнинг катта мушоираси бўлди, десак ҳеч муболаға бўлмайди.

НАФИС САНЪАТ ЛИЦЕЙИДА НАФИС МАЖЛИСЛАР

Мушоирада республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, севимли шоиримиз Эркин Воҳидов, Республика халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Йўлдош Сулаймон, «Гулхан» журнали бош муҳаррири, шоир Сафар Барноев, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари ўринбосари Шермат Ёрматов, ХТВ Маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси бошлиғи Марат Шафиев ва бошқа нуфузли меҳмонларнинг қатнашиши давранинг жозибали ўтишига сабаб бўлди.

Даврани очган Республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев бугунги кунда мамлакатимизга мустақил фикр, тафаккур юрита оладиган, зукко фарзандлар кераклиги, бу зукко фарзандларни зукко ўқитувчиларгина тайёрлай олиши ҳақида, юртбошимиз ва ҳукуматнинг иқтидорли ёшларга эътибор қаратиб, кенг имкониятлар яратиб бераётгани, «Умид», «Камолот» жамғармалари тўғрисида ҳам қисқача тўхталиб ўтди. Мушоиранинг нафис ўтишига тилак билдирди.

Қалби дарё шоиримиз, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Йўлдош Сулаймон ёш ижодкорларга муҳаббатли бўлишларига орзуманд эканлигини, шундай инсонгина ҳақиқий ижодкор бўла олишини таъкидлади. Ҳувайдодан иқтибос:

Муҳаббатдин муҳаббат бўлди пайдо,
Муҳаббатсиз кишидин қоч, Ҳувайдо.

ЭРКИН ВОҲИДОВНИНГ УНУТИЛМАС САБОҒИ



Республикамиздаги ёш ижодкорларнинг барчаси адабиёт ўқитувчиларининг ёки маҳаллий шоир ёки ёзувчиларнинг сабоқларидан баҳраманд эканликлари, шубҳасиз. Бироқ, севимли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг шеърият бобидаги сабоғини эшитиш ҳар кимга ҳам насиб этавермаса керак. Мушоирада қатнашган ижодкор ўқувчиларга насиб этди, бундай сабоқни эшитиш.

Эркин ака шеър ҳақида, шеър ёзиш, шеър ёзиш учун сўз топиш, танлаш, қофиянинг ўзига хосликлари нима ва ҳоказо, шеърият санъатларини ёш бўлишсада, билишлари лозимлигини таъкидлади. Адабиётнинг, хусусан шеъриятнинг даргоҳи кенглиги, унга ҳамма ҳам сиғиб кетавериши мумкинлигини, бироқ ўз овози билан шеъриятга янгилик олиб кирган шоиргина бу майдон ичра узоқ тура олишидан бу нафис мажлис қатнашчиларини огоҳ этди.

Ёшлар устоз шоирни ҳавас билан, диққат билан тингладилар. Қисқа бўлса-да, бу сабоқ бир олам завқ бағишлади ўқувчиларга.

Мушоира этади давом

Мушоира эркин ва шоирона руҳда ўтди. Ҳамма дилдан кўчган шеърларини нафис мажлис аҳлига бахшида этди. Кимдир эртак айтди, кимдир ҳазил шеър, бошқаси лирик шеъру бириси фалсафий шеър. Бири ватанга, бири дўстга, бири ёрга, бири одамларга, бошқаси ота-оналарга, бувижону бувалар, ўқитувчиларга бағишланган ранг-баранг шеърлар... Уларнинг барчаси рисоладагидай эмасдир, кимдир ҳали ўқиши-ўрганиши, кўп-кўп машқ қилиши керакдир, бироқ ушбу мушоира истеъдодларни ҳам кўрсатгандек бўлди.

Қуйидаги шеърлар уларнинг ижодлари, ўқинг, бу гапларимизнинг нақадар чин эканлигига гувоҳ бўласиз.

* * *

Кимдир бу дунёдан тўйиб ўтаркан,
Кимдир мол-мулким деб куйиб ўтаркан.
Кимдир ниманидир суйиб ўтаркан.
Мен тупроқ ҳидига тўйиб кетайин,
Ватанимга меҳрим қўйиб кетайин.

Шу тупроқдан гуллар олурлар нафас,
Шу тупроқдан берар боболарим сас,
Бу сирли садолар ёлғончи эмас.
Мен тупроқ ҳидига тўйиб кетайин.
Ватанимга меҳрим қўйиб кетайин.

Бу тупроқда улуғ зотлар изи бор,
Бобурнинг ватаним деган сўзи бор.
Уни жондан суйган ўзбек қизи бор.
Мен тупроқ ҳидига тўйиб кетайин,
Ватанимга меҳрим қўйиб кетайин.

Майли, халқим мени девона десин,
Қондошларим тонсин, бегона десин.
Ишонмаган зотлар афсона десин.
Мен тупроқ ҳидига тўйиб кетайин,
Ватанимга меҳрим қўйиб кетайин.

Сўнгги манзилимдир ахир шу тупроқ,
Ватаним, тилимдир ахир шу тупроқ,
Танти, мард элимдир ахир шу тупроқ.
Мен тупроқ ҳидига тўйиб кетайин,
Ватанимга меҳрим қўйиб кетайин.

Дилдора ЗУВАЙТОВА,
Қарши шаҳридаги 21-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси.

ОНА ДИЁР

Юртим сенга олқишу алёр,
Боғларингда айланди баҳор.
Гўзалликка чулғанган диёр —
Она ватан, Ўзбекистоним!

Чиройларга кўмилган ўлкам,
Баҳри-дилим очадур бирам.
Ой, қуёшинг ярашган, кўркам,
Она ватан, Ўзбекистоним!

Қадрдонсан, меҳринг дилдадур,
Мустақиллик энди қўлдадур.
Қуёш нури бизнинг йўлдадур,
Она ватан, Ўзбекистоним!

Марғуба ҚОРАБОЕВА,
Жалолқудуқ туманидаги 8-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.

* * *

Отажоним, онажоним —
Меҳрибоним, жонажоним.
Иккингиз ҳам яхшисизлар,
Бахтингизмиз, бахтлисизлар.

Шаҳло ХАЛИЛОВА,
Самарқанд шаҳридаги 30-ўрта мактабнинг 5-»А» синф ўқувчиси.

ЎЗБЕКИСТОН

Мустақилсан, она юртим —
Ўзбекистоним,
Жаҳонларга номи кетган менинг диёрим.
Эркинлигинг, озодлигинг муборак бўлсин,
Халқинг доим омон бўлсин, менинг
баҳорим!

Гулруҳ АМОНОВА,
Шофиркон тумани Шота Руставели номидаги ўрта мактабнинг 4-синф ўқувчиси.

МЕН ШОИР БЎЛМОҚЧИ ЭМАСМАН, АСЛО!

Мен шоир бўлмоқчи эмасман, асло,
қаламим ярамас бунга ҳеч қачон.
Қалбимнинг оҳини ўқигум таҳо,
қоғозга тушириб юрагим дардин.

Мен шоир бўлмоқчи эмасман, дўстим,
менсиз ҳам шоирга бой ўзи юртим.
Фақат қалам билан сўзлашгум ҳар тун,
сирдош тополмайман дунёда буткул.

Мен шоир бўлмоқчи эмасман, асло!

Сожида НАМОЗОВА,
Гулистон шаҳридаги 9-ўрта мактабнинг 8-«Г» синф ўқувчиси.

ЁЛҒОН СЕВГИ

Дилим куйди, дилим куйди,
Ишқим сўзлаб тилим куйди.
Боғим куйди, гулим куйди
Ёлғон севги азобидан.

Кўнглим қолди дунёлардан,
Ой, қуёшу самолардан,
Ошиқ Тоҳир-Зуҳролардан
Қолғон севги азобидан.

Фарёдимга тўлди осмон,
Тополмадим жонимга жон.
Қалбим йиғлаб қолди қон-қон
Пинҳон севги азобидан.

Ишқ нимадир ким билади,
У бунчалар сийланади?
Э воҳ, бунча қийналади
Виждон севги азобидан?

Не-не гуллар сўлиб кетди,
Ким-кимга ёр бўлиб кетди.
Фиғонларга тўлиб кетди
Осмон севги азобидан.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
Қибрай туманидаги 10-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

«5» БАҲО

Баҳоларнинг шонисан,
Болаларнинг шаънисан.
Сени олсам кўнглим шод.
Доим мактабим обод.

ТОПИШМОҚ

Икки қанот бирлашар,
Осмонларни қучишар
Қўнар жойи аэропорт
Номи эса... (самолёт)

Азизбек ХОЛБОЕВ,
Олтиариқ туманидаги 2-гимназия 2-синф ўқувчиси.

ЯЛҚОВ ҚИЗ

Дўстларим бугун сизга,
Қизиқ воқеа айтгум.
Ялқов Меҳри ҳақида
Сўйлаб бераман бир зум.

Қўшнимиз Меҳри ҳар кун
Зўрға уйқудан турар,
Ҳатто юз-қўл ювмасдан,
Нонуштага ўтирар.

Дугоналари келиб,
Мактабга юр десалар,
«Уф! Мактаб! Мактаб!» — дея,
Портфелин қўлга олар.

Мактабга келар аммо,
Дарс жадвалин билмайди.
Ўқитувчи олса иншо,
Хатосиз ёзолмайди.

Ҳар кун, ҳар сонияда,
Қайтарилар шу аҳвол.
Билмаймиз қачонгача,
Давом этади бу ҳол.

Бугун тарих дарсида
Домламиз берди савол.
Лекин Меҳри бошида
Дарс эмас, бошқа хаёл.

Бу шеърни ёзишимдан,
Мақсадим фақат битта.
Меҳри каби ялқов қиз
Бўлмангиз ҳеч дунёда.

Нилуфар САПАЕВА,
Тўрткўл шаҳридаги 9-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

Митти масаллар

НИМА ҚИЛАЙ?

— Лаганбардор, разил ва инсофсизсан, — дейишди ароққа.

— Одамлар шунга мажбур қилишса, нима қилай, — деди у тутоқиб.

ТОШ БИЛАН БОЙЧЕЧАК

— Сенга раҳмим келади, — дея гап бошлади Тош Бойчечакка. — Қанчалик тез униб чиқсанг, шунчалик тез сунасан-а...

— Лекин одамлар завқланадилар мендан, — деди Бойчечак қувончга тўлиб

ШИРИНЛИК ВА ҚАЛАМПИР

— Мунча аччиқсан?... — деб сўради ширинлик қалампирдан.

— Чунки ҳаётнинг паст-баландидан огоҳ қилувчиман-да, — деди у хотиржам.

Шоира СУММАТОВА,
Чуст шаҳри М. Сўфизода номидаги педагогик лицейнинг 11-синф ўқувчиси.

ШУНИНГДЕК...

Бу анжуманда сариосиёлик 11-синф ўқувчиси Умида Боқиева, навоийлик 9-синф ўқувчиси Маъмура Нарзиева, Тўрткўлдан 9-синф ўқувчиси Азиза Ибрагимова, чортоқлик 11-синф ўқувчиси Икромжон Солиев, янгиқўрғонлик 10-синф ўқувчиси Диллола Қўзибоева, марғилонлик 11-синф ўқувчиси Нафисахон Мўминова, олтиариқлик 6-синф ўқувчиси Озодахон Мамадалиева, марҳаматлик Муборак Талабоева, Бухородан 5-синф ўқувчиси Ҳадиябону Очилова ва 11-синф ўқувчиси Мурод Нуруллаев, қаршилик 9-синф ўқувчиси Ҳусниддин Нуров, самарқандлик 5-синф ўқувчилари Дилшода Чинниқулова, Дилсўз Содиқова ва бошқаларнинг фаоллик билан иштирок этишганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

АЛҚИССА

Олти йилдан буён ўтказилаётган бу тадбир ўз Низомига эга. Унга кўра, ўқувчи бу анжуманда бир марта қатнашиши мумкин, чунки ижодкор ўқувчилар юртимизда жуда кўп. Бу анжуман уларга ҳам минбар вазифасини ўташи лозим.

Тадбирларни ўтказишда мезбонлар — лицей директоридан тортиб талабаларгача бошқаларга ибрат бўлишганини алоҳида таъкидлашни истар эдик.

Албатта, бу тадбирнинг Халқ таълими вазирлиги ва Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилганлигида катта маъно бор.

Дарвоқе, учрашув иштирокчилари мазкур анжуман ҳақида қандай фикрда эканлар. Келинг, танишайлик-чи:

Юсуфбой ҲАСАНОВ — Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл шаҳар ХТБ ўқув-методик хонаси мудири:

— Ёш қаламкашларнинг ушбу мушоираси менда чуқур таассурот қолдирди. Бугун биз Ўзбекистон миқёсидаги иқтидорли болалар ижоди билан танишдик. Самарқанд, Навоий ва Тошкент вилоятлари, айниқса мезбонлар (лицейдагилар) ижоди кўпчиликка манзур бўлди.

Замирахон ШОДИЕВА — Фарғона вилояти мактабдан ташқари муассасалар маркази директор ўринбосари:

— Ҳар йили ушбу анжуманга фарғоналик ёш иқтидор эгаларини бошлаб келаман. Биласизми, йилдан йилга ёш қаламкашларимизнинг ижоди ўсаяпти, уларнинг бадиий сўзга, шеъриятга қизиқиши тобора кучаймоқда. Бугунги мушоирада болаларнинг эркин, ўз шеърларини тенгдошларига жуда маъноли, ифодали ўқиши кишини қувонтиради.

Сотиболди ХОЛҚЎЗИЕВ — Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Заркент лицейи тил ва адабиёт ўқитувчиси:

— Ёш, иқтидорли, шеъриятга ихлосманд ёшларни шоирликдан хабардор одамлар ўз тарбияларига олишлари керак. Сабаби, улар ҳали қотиб қолмасдан туриб, уларга тўғри йўл кўрсатиш керак. Чунки меҳр билан парваришланган дарахт самарали мева беради. Бугунги анжуманда шу нарса аниқландики, уларнинг ҳар бирида уста кўрган шогирдлар йўриги сезилиб турибди.

Дилфузахон ШОДИЁРОВА — Республика Нафис санъат лицейи битирувчиси, «Гулхан» журнали ижодий ходими:

— Лицейдагилар билан вилоятлардан келган ўқувчиларнинг шеърларида анча фарқ борлиги сезилаяпти. Жойлардаги ўқитувчилар ўз мактабларидаги ижодкор ўқувчиларга алоҳида эътибор бериб, уларнинг ижодини йўналтиришса, натижаси ёмон бўлмасди.

Дилдора ЗУВАЙТОВА — Қарши шаҳридаги 21-мактабнинг 11-синф ўқувчиси:

— Бугунги учрашувнинг ўтган учрашувдан фарқи шундаки, тенгдошларимизнинг шеъриятга қизиқишининг устунлиги қатнашчиларнинг кўпайганида. Ватанга бўлган ифтихор, табиатга бўлган меҳр-садоқат, ёшларнинг келажакка бўлган ишончи, билим олишга интилишини улар ўз шеърларида акс эттирганлар.

Ёш қаламкашларга тилагим, асарлари орқали халқ дилига йўл топишсин.

Саҳифани Нурлан УСМОНОВ тайёрлади.

ИХЧАМ ВА СЕРФАЙЗ МЕБЕЛЛАР ТУРКУМИ...

ЎЗБЕКИСТОН МЕБЕЛЛАРИМИЗ ИШХОНА ВА ХОНАДОНИНГИЗГА БИР ЗУМДА НАФОСАТ БАХШ ЭТАДИ. У ХОРИЖИЙ ДИЗАЙН ТАЛАБЛАРИГА ТЎЛА МОСДИР. АГАР СИЗ БИЗДАН МАВЖУД МЕБЕЛЛАР ТУРКУМИНИ ХАРИД ҚИЛСАНГИЗ, ЎЗ МИЖОЗЛАРИМИЗГА АТАЛГАН САВДО СОЛИҒИСИЗ АРЗОНЛАШТИРИЛГАН СИЙЛОВДАН БАҲРАМАНД БЎЛАСИЗ



Ko'ngil bitiklari

БЕДОРЛИК

Искандар Раҳмонни кўп йиллардан буён яхши биламан. У ҳарбий шифокор сифатида 25 йилдан кўпроқ хизмат қилиб, истеъфога чиққач, иккинчи истеъдодини яшада кенг намоён этишга астойдил киришиб кетди. «Маърифат» газетасида у ўзининг ижодкор ўқитувчилар, жанги-муаллимлар тўғрисидаги мақола ва очерклари, шеърлари билан қатнашиб келмоқда. Яқинда эълон қилинган маънавият муаммоларига оид мақоласи газетхонлар ёдида бўлса керак.

Сўнгги йилларда Искандар Раҳмон дўстлик ва ватанпарварлик мавзуидаги шеърлари билан мухлислар эътиборини қозонди. Айниқса унинг аскар қўшиқлари кўрик-танловларда совриндорлар билан тақдирланганлиги шундан далолат беради.

Ўтган йили унинг «Йўллардаги гуллар» илк шеърий тўплами «Ёзувчи» нашриётида чоп этилганди. Яқиндагина «Қатортол—Қамолот» нашриётида шоирнинг «Ўзбекистон аскарларимиз» тўплами нашрдан чиқди. Ватан ҳимоячиларига бағишланган шеър ва қўшиқлар унинг кейинги йиллардаги ижод маҳсулидир.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг тарғиботчиси сифатида у радио ва телевидение орқали чиқишларида, ҳарбий билим юртлари ва мактаб ўқувчилари билан учрашувларда она-Ватанни севиш, уни ҳимоя қилишга тайёр туришга даъват этади. Сўнгги шеърий тўпламдаги шеър ва қўшиқлар шу жиҳатдан қимматлидир.

Пойтахтимизда нашр этилаётган деярли барча газета ва журналларда Искандар Раҳмоннинг мақола ва шеърлари нашр этилиб келинмоқда. Ширинсухан, истараси иссиқ ижодкорни ҳамма ерда иззат-ҳурмат билан кутиб олишади. Бундай самимий муносабат уни жўшиб қалам тебратишга илҳомлантирмоқда.

Менда йўқ ҳаловат на кечакундуз
Эрта-кеч сафдаман, йўл сафардаман.
Унутиб ёшлигу орзу ҳавасни,
Эл не деб буюрса, камарбастаман.

Ўзининг қутлуғ олтмиш ёшини куч-ғайратга тўлган ҳолда кутиб олаётган эл-юрт ишига камарбаста, камтарин дўстимиз — Қуролли Кучлар фахрийси, истеъфодаги тиббий хизмат подполковниги, Соғлиқни сақлаш аълочиси Искандар Раҳмонни самимий қутлаб, унга ижодий баркамоллик, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва омад тилаб қоламиз.

Ғафур МИРЗО,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ЭЙ ЎҒИЛ...

Эй ўғил, сен аввало бўл ўзингга мустақил,
«Етти ўлчаб, битта кес», элда бор шундай нақл,
Эр кишининг ҳурмати, зийнати, кўрки ақл,
Одам эрсанг, одамийлик хислатини пеша қил,
Ота-она, ёру ошно, ўзгадан андиша қил.

«Кенгашиб бошланса тўй, тарқамайди», дейдилар,
Яхшилар кину ҳасадни сақламайди, дейдилар,
Нотавонлар эл ишончин оқламайди, дейдилар,
Одам эрсанг, одамийлик хислатини пеша қил,
Ота-она, ёру ошно, ўзгадан андиша қил.

Тўғри сўз тошни ёрар, эгриси бошни, ўғил,
Кесмагай асло қилич, эгилган бошни, ўғил,
Чимирмасин Искандар беҳуда қошни, ўғил,
Одам эрсанг, одамийлик хислатини пеша қил,
Ота-она, ёру ошно, ўзгадан андиша қил.

ВАТАН ИЧРА ВАТАН МАҲАЛЛАМ!

Оламаро бебаҳо гулшан,
Ҳар қадами зар, тилло маскан,
Туғилган жой, улғайиб ўсган,
Ёмонликнинг йўлини тўсган,
Ватан ичра Ватан маҳаллам,
Ота-онам, жон-тан маҳаллам!

Ҳаёт дарси чойхоналаринг,
Кўча, масжид, кошоналаринг,
Нурга тўлган тўйхоналаринг,
Бахти кулган пешоналаринг,
Ватан ичра Ватан маҳаллам.

Таянчингдир оқил, донолар,
Юпанчингдир ато-анолар,
Қувончингдир мард-мардоналар,
Ишончингдир ёш дурдоналар,
Ватан ичра Ватан маҳаллам,
Ота-онам, жон-тан маҳаллам!

Яшар тотув, чин ҳамкор бўлиб,
Ишчи, деҳқон, тадбиркор бўлиб,
Бир-бирига мададкор бўлиб,
Искандарга дўсту ёр бўлиб,
Ватан ичра Ватан маҳаллам,
Ота-онам, жон-тан маҳаллам!

Искандар РАҲМОН.

Xullas...

АЁЛЛАР МАТОНАТИ

Россиялик социолог олимлар қуруқ эснаб ўтиришни ўзларига лозим билишмади шекилли... Аёлларнинг бир йил давомида бажарадиган ишларининг йиғиндисини ҳисоблаб чиқишди. Уларнинг айтишича, бир аёл бир йилда тахминан 5 тонна кир ювар экан. Ва уйи билан ошхонанинг ўртасида бир йил давомида 1500 минг километр масофага тўғри келадиган йўл босишар экан.

ПАХСА ДЕВОРДАН АЙИРМАСИН

Голландиялик мутахассисларнинг навбатдаги кашфиётидан кўпроқ қурувчиларнинг оғзи қулоғида. Олимлар энди ғишт учун ҳам елим ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Эътиборлиси шундаки, бу елим ғиштларни цементдан ҳам мустаҳкамроқ қилиб тўтиб турар экан. Янги усулнинг яна битта қулайлиги ғишт теришда цемент қоришмасининг қатлами 1 сантиметрдан кам бўлмасди, елимнинг қатлами эса 2 миллиметр бўлса кифоя. Бироқ бу кашфиётнинг тиббий томонлари ҳақида ҳали ўйлаб кўрилмаган. Хуллас... келинглар яхшиси пахса девордан айирмасин.

«МУТАХАССИС» ШЕРЛАР

Каракаслик гиёвандлар энди бироз ўйлаб «торт»салар керак. Сабаби, яқинда иккита шер махсус ўқув курсини тамомлаб, полициячиларга ёрдам беришни бошлаб юборишдилар. Янги «мутахассис»ларнинг вазифаси гиёвандларни тутиш ва қидиришдир. Қизиғи шундаки, шернинг ҳид билиш қобилияти итникидан анча кучли экан.

Ҳозирча ҳамманинг диққати янги «тартиб посбон»ларини жиноятчилар қандай қабул қилишига қаратилган.

ana shunaqa gaplar

«УМРОН» ДКК чекланмаган миқдорда макулатура қабул қилади. Буюртма учун телефон: 191-61-31.

ХОТИРА ТУРНИРИ

Анатолий Васильев ўз ҳаётини боксчиларни тарбиялашга бағишлаган жонкуяр мураббий сифатида танилган эди. У кўп йиллар «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти Марказий Кенгаши ўқув-спорт бўлимида хизмат қилганди.

Марказий ҳарбий спорт клубида республикада хизмат кўрсатган тренер А. Васильев хотирасига бағишлаб ўтказилган тўртинчи анъанавий хотира турнирида спортчилар устозининг кўплаб шогирдлари мусобақага ҳакамлик қилишди.

Олти кун давом этган мусобақада республикамиз вилоятларидаги болалар спорт мактаблари, шунингдек Қирғизистон Республикасидан келган 1979—80 йилларда туғилган 129 спортчи 13 хил вазн-тоифасида ғолиблик учун қизғин кураш олиб борди.

Муросасиз ва шиддатли кураш остида ўтган финал беллашувларида рингга чиққан андижонлик Ш. Чулиев қирғизистонлик Ю. Деминни, тошкентлик К. Маҳқамов навоийлик Ф. Жуманазаровни, навоийлик Б. Файзиев қирғизистонлик Т. Шайлозовни, чирчиқлик М. Уристамов тошкентлик М. Аҳмедовни, пойтахтимиз вакили Э. Музаффаров ўз ҳамшаҳри К. Ҳасановни йирик ҳисобда мағлуб этиб, турнир ғолиби бўлди.

Шунингдек, андижонлик Э. Юнусов, Т. Дониёров, тошкентлик В. Лапин, С. Шкандибин, Д. Абдурахмонов, қирғизистонлик С. Кисилёв, чирчиқлик П. Васильев ва ангренлик В. Махсатовлар мусобақа шоҳсупасидан ўрин олишди.

Ғолиб ва совриндорларга тантанали вазиятда қиймматбаҳо соврин ва дипломлар топширилди.

Ғ. МАННОПОВ.

Sport maydonchasi

МУРАББИЙЛАР ТАРКИБИ ЎЗГАРДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон терма командасининг жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувларидаги муваффақиятсизликлари боис терма жамоа мураббийлар таркиби янгиланди.

Шу кунларда терма командамиз бразилиялик янги мураббий Убе Ражара Вега Дасила раҳбарлигида машғулот ўтказмоқда. Бугун терма командамиз қозоқ футболчиларини қабул қилади.

РУСЛАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БЎЛАДИМИ?

Венгрияда бокс бўйича жаҳон чемпионати давом этмоқда. Унда ҳамюртларимиздан 12 нафар боксчи қатнашаётган эди. Улардан бештаси 1/4 финалига чиқди.

Маҳоратли спортчимиз Руслан Чагаев 1/4 финал учрашувини ҳам ўз фойдасига ҳал қилиб, ярим финалга йўлланма олди. Бордию Руслан яна икки ўйинда ғолиб чиқса, жаҳон чемпиони деган номга мушарраф бўлади.

ГАРРИ КАСПАРОВНИНГ ЯНГИ РЕКОРДИ

Жаҳон чемпиони — Каспаров шахмат оламида яна бир ғалабага эришди. У Туркияда бир йўла 29 кишига қарши дона суриб, рақибларининг 28 нафарини мағлубиятга учратди. Бир киши билан эса дурангга келишилди. Бундай учрашувдан тааажжубга тушган мамлакат президенти Сулаймон Демирэл Каспаровни учрашувга таклиф қилди.

«НАВБАҲОР»НИНГ РАҚИБЛАРИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

«Навбаҳор» футболчиларининг Олий чемпионлари кубоги баҳсида навбатдаги рақибларга маълум бўлди. Улар: «Ал-Ансон» (Ливан), «Пируз» (Эрон), «Ал-Ҳилол» (Саудия Арабистони) клубларидир.

1/4 финал учрашувлар 23-27 февралда бўлиб ўтади. Ушбу мусобақа Тошкентда ўтказилиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

ХИТОЙ БИЛАН УЧРАШГУНЧА...

Англия пойтахти Лондонда теннис бўйича Дэвис кубоги мусобақалари учун қуръа ташланди. Қуръа натижасига кўра бизникилар 1998 йилнинг 13-15 февраль кунлари Тошкентда Хитой терма командасини қабул қиладиган бўлди. Шу кунгача теннисчиларимиз хитойликлар билан икки бор учрашган. Умумий ҳисоб 1:1.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Азиз муштарий!

Қуйида таърифланган сўзларни шаклга «занжир» ҳолида ёзиш билан машқни ҳал этинг.

1. Шаҳар яқинидан оқиб ўтувчи дарё. 2. Бухоронинг жанубий чеккасида, қорахонийлар сулоласининг ёзги қароргоҳи ўрнида 1119 йилда барпо этилган масжид. 3. Бухоролик Узбекистон халқ шоираси. 4. XVI аср охири, XVII аср бошларида яшаган бухоролик тарихнавис ва шоир Ҳофиз Таниш ибн Муҳаммад ал-Бухорий асари. 5. Бухоронинг ўтмиш давлати ҳукмдорлари қароргоҳи ҳисобланувчи ўрдаси. 6. Лабиҳовуз мажмуоти таркибидаги меъморлик обидаси. 7. Шаҳар қалъаси ўз ичига олиб девор билан ўралган қисми. 8. Меъморликда қўлланиладиган миллий безак. 9. Шаҳар номига қўшиб айтиладиган муқаддас, азиз маънолардаги сўз. 10. Атоқли ўзбек адиби, олими, давлат арбоби, «Темур саганаси», «Ўғузхон» тарихий драмалари муаллифи. 11. Ҳозирда шаҳар ҳудудидаги туманлардан бири. 12. Металлга ўйиб нақш ишловчи ҳунарманд. 13. «Меҳмонномайи Бухоро» («Бухоро меҳмонининг эсдаликлари») асари муаллифи, иқтидорли илоҳиёт олими ва тарихчи. 14. Шаҳарнинг қадимий номларидан бири. 15. Бозорлардаги усти ёпиқ, баланд тош. 16. Амир Абдуллахон томонидан бунёд этилган, қўшмадраса таркибига кирувчи маҳобатли обида. 17. XIV асрда яшаб ўтган улуғ мутасаввуф. 18. Бухоро хони Имомқулихоннинг вазири томонидан 1623 йилда қурилган мадраса. 19. Бухоролик нақш ўймакори билан ҳамкорликда фаолият кўрсатган устоз, ганчкорлик санъати намояндаларидан бири. 20. Она юрт, диёр. 21. «Бухоро тарихи» асари муаллифи, X аср тарихчиси. 22. Тарихий воқеа, ҳодисалар баён этилган асар. 23. Бухоро амири Музаффарнинг катта ўғли, Кармана, сўнг Ғузор вилояти ҳокими. 24. VIII аср охири, IX аср бошларида Бухоро воҳасини шимолдаги душмандан ҳимоя қилиш учун ўраб олинган девор. 25. Ёш ибн Сино амир Нуҳ ибн Мансурни даволашда иштирок этгани учун фойдаланишга мушарраф бўлган саройдаги илм дурдоналари маскани. 26. «Шашмақом» таркибидаги куй. 27. Бухоро ганч уймакорлиги санъати намояндаси, устоз санъаткор, академик. 28. «Бадое — ул вақое» («Ажойиб воқеалар») асарида шаҳар тарихига оид маълумотлар ёзиб қолдирган мумтоз шоир. 29. Каштачиликда қўлланиладиган усуллардан бири мутахассиси.



Фозилжон ОРИПОВ тузган.

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ДОИМИЙ ИШЛАБ ТУРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КУРСИДА 1997 ЙИЛ НОЯБРЬ ОЙИДА НАВБАТДАГИ КУРСЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ИШ БОШЛАЙДИ. УНГА ҚУЙИДАГИ МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИНИНГ МУТАХАССИСЛАРИ ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ:

1. Мактабгача тарбия муассасаларининг мудиралари 1.11.97. — 30.11.1997 йилгача
2. Мактабгача тарбия муассасаларининг услубчилари 1.11.97 — 30.11.1997 йилгача ҚИСҚА МУДДАТЛИ КУРСЛАР
3. ВУМОИ кабинет мудирлари. 1.11.97 — 15.11.1997 йилгача
4. Мактабгача тарбия муассасаларининг логопедлари 1.11.97 — 15.11.1997 йилгача
5. Мактабгача тарбия муассасаларининг ЭҲМ тарбиячилари 1.11.97 — 15.11.1997 йилгача

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажати ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади. Курс қошида болалар хонаси мавжуд.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй. Талабалар шаҳарчаси бекати.

Троллейбуслар: 8, 4, 3.
Автобуслар: 28, 34, 87, 116.
Телефонлар: 46-98-04, 46-90-94.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида 1997 йил ноябрь ойида режа асосида навбатдаги курслар ишлай бошлайди. Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади.

1. Туман (шаҳар) ХТБ методкабинет мудирлари. 3 — 29
2. Урта мактаб директорлари. 3 — 29
3. ВУМОИ (ВПХМОИ) география фани кабинет мудирлари. 3 — 15
4. Биология дарсларида янги педагогик технологияларни қўллаш. 3 — 29
5. Узбек тили дарсларида янги педагогик технологияларни қўллаш. 3 — 15
6. Математика чуқур урганиладиган синфларнинг математика ўқитувчилари. 3 — 29
7. ЭҲМни ўқув жараёнида тадбиқ этиш: француз, немис тили ўқитувчилари. 17 — 29
8. Чет тили дарсларда янги педагогик технологияларни қўллаш. 3 — 15
9. Кўр ва заиф кўрувчи болалар мактаб-интернатларининг меҳнат ўқитувчилари. 3 — 29
10. География фанидан ўқитувчилар билимини баҳолашда тест-рейтинг усулидан фойдаланиш. 17 — 29
11. Тарих фани чуқур урганиладиган мактабларнинг тарих ўқитувчилари. 3 — 29
12. Меҳнат ўқитувчилари методбирлашма раҳбарлари. 3 — 29
13. Чақириққача ёшларни тайёрлаш раҳбарлари. 3 — 29
14. Футбол бўйича тренер-ўқитувчилар. 3 — 15
15. Ўқувчилар саройи, болалар ва усмирлар ижод маркази (БУИМ) услубчилари. 3 — 29
16. Ёш табиатшунослар ва экологик марказ услубчилари. 3 — 15
17. «Иқтисодий билим ва тадбиркорлик асослари» фани ўқитувчилари учун курс. 3 — 29

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажати ва суткалик ҳақлари марказий институт ҳисобидан тўланади. 24 кунлик курсга келган тингловчилар санаторий ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 3—6 ноябрь кунигача қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй. Студентлар шаҳарчаси. Телефонлар: 46-06-62, 46-06-67.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси халқ таълими фахрийси Собир ХОЛИҚОВ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, шаҳар касаба уюшмалари, туман халқ таълими бўлимлари, ҳунар-техника билим юртлари, мактаб, болалар муассасалари жамоалари, Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти жамоаси Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг собиқ муовини Собир ХОЛИҚОВ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндошларига чуқур таъзия билдиради.

Улуғбек номидаги Тошкент Халқаро мактаби жамоаси мактаб директорининг 1-муовини Собир ХОЛИҚОВ бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин дўстларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Узбекистон Халқ таълими вазирлиги, Узбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Зубайда УСМОНОВА, Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0672. Тиражи 21.422. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6